

Пудрат шартномаси 16-сон

Тошкент шаҳар

2022 йил “_21_” “_июль_”

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган _77_ сонли Ихтисослаштирилган кузи оғизлар мактаб интернати_ номидан Низом асосида иш қирувчи раҳбар Р.Д.Сафаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “YANGI-ZAMON HOUSE” МЧЖ номидан Низом асосида иш қирувчи Д. Ақилбаев мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1.Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи қизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўриятилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яққа тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўриятиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажариладиган кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ _ интернат биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022_ йил “_21_” “_июль_”даги “_4_” сон баённома, 18.07.2022 йилдаги баённома №120378 лот) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда «_514 000 000_»(_Беш юз ун тўрт миллион_) сўмни ташкил этади.

4. Қурилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада мувофиқ ишларни 1 ой ичида бажаришни тулик ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **1** ой ни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматиинг **30%** миқдориди, аванс ўтказадди, бу "**154 200 000**" (**Бир юз эллик тўрт миллион икки юз минг**) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш далолатномаси ва жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматинг **100%** гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг **5%** гача миқдориди, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбаган объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди. ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларнинг қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда қўн вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олини

44. Қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш шартномани имзолани санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектнинг фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг Ўбўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи

томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини. уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди. конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкӣй жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,05% миқдориди пеня тўлайди. бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,05фоизи миқдориди жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0,05 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,07фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,07 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,03фоизи миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур шартларида бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотлади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш саноига бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

73. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

XVII. Коррупцияга қарши келишув

74. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

75. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

76. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

77. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилигида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса

шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари:

БУЮРТМАЧИ:

77 сонли Ихтисослаштирилган кузи
ожизлар мактаб интернати
Адрес: Ташкент Яшнобод р-н, Паркент
кучаси 20 уй
Р/с 23402000300100001010
Л/с 100021860262907092400075002
Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар

МФО: 00 014

ИНН: 205 715 414


ОКЭД: 85 200

Тел: + 998-90-955-46-15

Рахбар: Сафаров Р.Д.

М.У. (имзо)

Руководитель М. Мадамов



ПУДРАТЧИ:

“YANGI-ZAMON HOUSE” МЧЖ

Адрес: Ташкент, Мирзо – Улугбек. р-н,

Олимлар куч. 64 А уй

Р/с 2020 8000 9050 7583 2001

Городской филиал АИТБ Ипотека
банк

МФО: 00 419,

ИНН: 306 419 026

ОКЭД: 41 201

РКП НДС: 327 060 043 853

Тел: + 998-95-195-54-00

99-706-25 72

Рахбар: Акылбаев Д. М.



[Handwritten signature]



Тошкент шаҳар Яшнобод тумани 77-сонли ихтисослаштирилган кузи оғизлар мактаб
интернати биносини жорий таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
уртасида танлов утказиш бўйича комиссия йиғилиши

БАЁННОМАСИ №- 4

Тошкент ш.

2022 йил “_21_” июль

Иштирок эттилар:

Сафаров Р.Д.	Директор - танлов комиссия раиси
Муллаева Г.Х.	Ўқитувчи - комиссия котиби
Садиков С.К.	Ўқитувчи - танлов комиссия аъзоси
Гафурова З.З.	Ўқитувчи - танлов комиссия аъзоси
Бахромова Д.Н.	Ўқитувчи - танлов комиссия аъзоси
Мусаева З.Ф.	Медсестра - танлов комиссия аъзоси

КУН ТАРТИБИ:

**Тошкент шаҳар Яшнобод тумани 77-сонли ихтисослаштирилган кузи оғизлар мактаб
интернати биносини жорий таъмирлаш бўйича**

(Сафаров Р.Д., Муллаева Г.Х., Садиков С.К., Гафурова З.З., Бахромова Д.Н., Мусаева З.Ф.)

Таълим муассаси томонидан 2022 йил 07 июлда Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига муассаса биносини жорий таъмирлаш бўйича № 120378– лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 18 июлдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини утказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Муассаса биносини жорий таъмирлаш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кура Комиссия аъзолари томонидан МЧЖ “YANGI-ZAMON HOUSE” голиб деб топилганлигини инобатга олиб;

КАРОР КИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тугрисида”ги 684 – сонли Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома ҳеч қандай эътирозлар ёки қушимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Муассаса ҳисобчиси Д.Н.Нигмановага;

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 18 июлдаги электрон баённомасига асосан голиб МЧЖ “YANGI-ZAMON HOUSE” билан қонунчиликда урнатилган тартибда шартнома тузилсин ҳамда хизмат кўрсатиш сифат даражаси назоратга олинсин.

Комиссия аъзолари:

Сафаров Р.Д.

Муллаева Г.Х.

Садиков С.К.



Мусаева З.Ф.

Гафурова З.З.

Бахромова Д.Н.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 120378 на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий

Способ проведения электронный

Дата 18.07.2022

Время рассмотрения 18.07.2022 19:19

Конкурсная комиссия Кўзи ожизлар мактаб-интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Сафаров Рустам Дусиерович	директор	СШИНД 77
Секретарь комиссии	Мусаева Зилола Фатхулла кизи	медсестра	СШИНД 77
Член комиссии	Муллаева Гулнора Хамидовна	преподаватель	СШИНД 77
Член комиссии	Садиков Суннатилла Кабилович	преподаватель	СШИНД 77
Член комиссии	Гафурова Замира Зиядуллаевна	Заместитель директора по ДПР	СШИНД 77
Член комиссии	Бахрамова Дилфуза Нигмановна	преподаватель	СШИНД 77

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.07.2022 года № лота 120378.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	522 858 423.00
Стартовая сумма	522 858 423.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар сони 12 ва ундан юқорилиги (Ф.И.Ш., лавозими ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақ

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар сони 12 ва ундан юқорилиги (Ф.И.Ш., лавозими ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақ

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	10	Файл юкланди	10	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	10	Ходимлар	9	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	10	ходимлар	5	Экспертная		

Критерий №2 Танлов объектига (мактабгача таълим ташкилоти ёки мактаб каби) ўхшаш давлат буюртмачилигида объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов объектига (мактабгача таълим ташкилоти ёки мактаб каби) ўхшаш давлат буюртмачилигидаги объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	15	Файл юкланди	14	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	15	Охириги уч йиллик иш тажрибаси	9	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	15	объектлар	7	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	2	Файл юкланди	2	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	2	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хати	2	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	2	коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хати	2	Экспертная		

Критерий №4 Бангдан картотека мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Бангдан картотека мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	5	Картотека	5	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	5	Банкдан картотека мавжуд эмас	5	Экспертная		

Критерий №5 Ташкилотнинг давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжуд

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	2	Файл юкланди	2	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	2	Гувоҳнома	2	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	2	гувоҳнома	2	Экспертная		

Критерий №6 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	5	Солиқ	5	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	5	солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмас	5	Экспертная		

Критерий №7 Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларни вақтида топшириш тўғрисида розилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларни ўз

топшириш тўғрисида розилиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan Jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	5	Объектни жойига чиқиб қўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги	3	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	5	Объектни жойига чиқиб қўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилик хати	3	Экспертная		

Критерий №8 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan Jamiyat	2	Файл юкланди	2	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	2	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати	2	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	2	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида	2	Экспертная		

Критерий №9 Банкдаги шахсий ҳисобрақамида шартнома суммасининг 25%гача миқдориди пул маблағ мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдаги шахсий ҳисобрақамида шартнома суммасининг 25%гача миқдориди пул маблағ мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE"	10	Файл юкланди	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Mas'uliyati cheklangan jamiyat						
MONUMENT STROY MCHJ	10	Банкдаги шахсий ҳисобрақамида шартнома суммасининг 25%гача миқдорида пул маблағлари	10	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	10	Банкдаги шахсий ҳисоб рақамида пул бор	4	Экспертная		

Критерий №10 Жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати (Асословчи ҳужжатлари билан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати (Асословчи ҳужжатлари билан)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	14	Файл юкланди	14	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	14	Жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати	8	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	14	таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати	6	Экспертная		

Критерий №11 Курилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингидаги ўрни

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингидаги ўрни

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	5	Рейтинг	5	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	5	рейтинг	5	Экспертная		

Критерий №12 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур асбобанжомлар ва техника воситаларига

Тип: Текстовое значение

Описание: Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур асбобанжомлар ва техника воситаларига эгал

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	5	Файл юкланди	5	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	5	Асбобанжомлар ва техніка воситалари	5	Экспертная		
RABIS QURILISH MCHJ	5	асбоб анжомлар	4	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MONUMENT STROY MCHJ	522 858 423.00	470 804 112.00 UZS	470 804 112.00	00.00	470 804 112.00	16.07.2022 11:17:41	20.00
RABIS QURILISH MCHJ	522 858 423.00	499 198 722.00 UZS	499 198 722.00	00.00	499 198 722.00	16.07.2022 16:06:01	18.36
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	522 858 423.00	514 000 000.00 UZS	514 000 000.00	00.00	514 000 000.00	14.07.2022 13:58:19	18.32

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MONUMENT STROY MCHJ	65	20	85
RABIS QURILISH MCHJ	50	18.86	68.86
"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat	79	18.32	97.32

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 120378 от 18.07.2022 года на приобретение Услуга по текущему нежилых зданий определила победителем:

"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat
306419026

и резервный исполнитель: MONUMENT STROY MCHJ (303082324)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	Муллаева Гулнора Хамидовна	Согласен	
Член комиссии	Садиков Суннатилла Кабилович	Согласен	
Член комиссии	Гафурова Замира Зиядуллаевна	Согласен	
Председатель комиссии	Сафаров Рустам Дусиерович	Согласен	

Член комиссии	Бахрамова Дилфуза Нигмановна	Согласен	
---------------	------------------------------	----------	--

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

2100223



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"YANGI-ZAMON HOUSE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakil ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"YANGI-ZAMON HOUSE" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

14.05.2019

722662

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306419026

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug`bek tumani, Olimlar ko`chasi, 64a-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug`bek tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

